

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2022 йил 31 май куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья: З.Камолов, ҳайъат судьялари: М.Тургунова ва С.Махаметовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Жовлиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори М.Мирагзамов, судланувчи ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Ш.Убайдуллаевнинг иштирокида, ҳукмга нисбатан адвокат Ш.Убайдуллаев томонидан келтирилган апелляция шикоятини асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2022 йил 28 апрелдаги ҳукмига кўра,

....., (.....) – 1998 йил 4 ноябрь куни Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, Фаровон М.Ф.Й.,-уйда истиқомат қилган, иш бўйича «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2022 йил 15 март кунидан буён қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан 7 йил озодлиқдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукми билан далилий ашё деб эътироф этилган 300 дона «Регален 300 мг» номли дори воситалари тегишли тартибда йўқ қилиш;

3.126.000 сўм пуллар Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси депозит ҳисоб рақамига топширилганлиги инобатга олиш;

«Samsung S10» уяли телефон аппарати судланувчининг яқин қариндошларига қайтариш белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, 2009 йил 28 январь куни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари марказидан 004548-08-сон реестр рақами билан Шайхонтоҳур тумани, Жар-ариқ мавзеси, 30-уй манзили бўйича рўйхатидан ўтган «Samkka Baraka» МЧЖга қарашли дорихонада норасмий сотувчи бўлиб ишлаб келиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришни кўзлаб, таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори



воситаларини ўтказиш мақсадида, 2021 йил ноябрь ойининг ўрталарида номаълум шахсдан Бектемир туманида жойлашган «Кўйлик» бозори олдидадан 311 дона «Регален 300 мг» капсулаларни (таркибида прегабалин 93,3 гр.) жами 6.220.000 сўм пуллар эвазига сотиб олиб, ушбу дори воситасини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида сақлаб келган.

Шундан сўнг, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Шайхонтоҳур туман бўлими ҳамда Ўзбекистон Республикаси ДХХ ходимлари билан ҳамкорликда махсус харидорнинг аризасига кўра, 2022 йил 21 январь куни соат тахминан 10.00ларда Шайхонтоҳур тумани, Жар-ариқ мавзеси, 30-уй манзили бўйича жойлашган «Samkka Baraka» МЧЖга қарашли дорихонада ўтказилган тезкор тадбир давомида, ушбу дорихонанинг норасмий сотувчиси, ўзи томонидан ноқонуний равишда ўтказиш мақсадида сотиб олинган дори воситаларидан 2 дона «Регален 300 мг» капсула кўринишидаги таблеткасини ҳар бир капсуласини 25.000 сўмдан ҳисоблаб, жами 50.000 сўм пуллар эвазига сотган вақтида далилий ашё билан ушланган.

Бундан ташқари, тезкор тадбир давомида, мазкур Шайхонтоҳур тумани, Жар-ариқ мавзеси, 30-уй манзили бўйича Давлат рўйхатидан ўтган «Samkka Baraka» МЧЖга қарашли дорихонада мавжуд дори воситалари кўздан кечирилганида, томонидан харидорларга ўтказиш учун сақлаб келинган, 309 дона «Регален 300 мг» капсулалар, шунингдек, ушбу дори воситалари савдосидан тушган 3.126.000 сўм пуллар мавжудлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида далилий ашё сифатида расмийлаштириб олинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош Марказининг 2022 йил 1 февралдаги 175-сонли хулосасига кўра, 311 дона «Регален 300мг» таркибидаги «Прегабалин» моддасининг соф оғирлиги 93,3 граммни ҳамда ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сонли қарорига кўра, кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилганлиги кўрсатилган.

Адвокат Ш.Убайдуллаев шикоятда, дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, жиноятни очилишига фаол ёрдам берганлигини, муқаддам судланмаганлигини инobatга олмасдан ЖКнинг 57-моддасини қўлламасдан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган, шикоятдаги важларни инobatга олибга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб енгиллик беришни сўраган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья С.Махаметовнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори М.Мирагзамовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланган ва унинг адвокати Ш.Убайдуллаевнинг шикоят важларини қувватлаб берган фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини



синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судланувчининг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳлар З.Тўхтақулов, И.Норқулов, О.Садатов ва У.Аллабердиевларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, нарсани олиш ҳақида баённомалар, далолатномалар, экспертиза хулосалари, юзлаштириш баённомалари, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал ҳамда жиноят иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиғини топди.

Биринчи инстанция судининг жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясига баҳо бериб, унинг ўғирлик, яъни «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш кўп миқдорда содир этилиши»да ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарори 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак – деб кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди, судланувчига жазо тури ва меъёрини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда унинг шахсини, айбига тўлиқ иқрор билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, жиноятни фош этишда фаол ёрдам берганлигини, шу билан бир қаторда,



томонидан оғир турдаги жиноят содир этилганлигини, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганликларини, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Шу боис, апелляция судлов ҳайъатига нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, тайинланган жазони енгиллаштиришга биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2022 йил 28 апрелдаги, (.....)га нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, адвокатнинг шикоят эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:	ИМЗО	З.Камолов
Ҳайъат судьялари:	ИМЗО	М.Тургунова
	ИМЗО	С.Махаметов

Нусхаси аслига тўғри, судья:

